

Оятуллоҳ Айниддин

Самарқанд давлат Чет тиллари институти Яқин шарқ тиллари кафедраси 1-босқич магистранти

Тел: 998 93 594 44 85

Шавқатуллоев До`стмуҳаммад

Денов тадбиркорлик ва педагогика Институтининг талабаси

Тел: +998 93 221 46 73

e-маил: ма6069054@гмаил.com

Қуръони каримни араб тилида нозил қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Араб тилининг мукамал шаклланишига сабабчи бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга чексиз салавоту саломлар бўлсин. Араб тили қоидаларини ишлаб чиқиб, таҳлил қилган ва тартиблаб бизгача етиб келишига хизмат қилган барча уламоларга Аллоҳ таолонинг раҳмату мағфирати бардавом бўлсин!

Каломуллоҳ тили, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлашган тил, жаннат тили бўлган араб тилини ўрганиш – ҳар бир мўмин-мусулмоннинг буюк орзуси. Чунончи, бу тилда Қуръони каримни тиловат қилиш, оятларни тафаккур ва тадаббур этиш, ҳадиси шарифларнинг асл маъноларини тушуна билиш чиндан ҳам улкан саодат. Қолаверса буюк ажодларимиздан қолган меросни ўрганишда сарф илмини ўрганиш ниҳоятда зарур бўлади. Ана шундай бахтга, саодатга эришиш учун араб тилидан сарф илми муҳим манба вазифасини ўтайди.

Бу фанни сарф деб номланиши

Араб тилида калималарнинг тузилишини ўргатадиган фан “**тасриф илми**” деб номланган. Баъзи тилшунослар асарларида “**сарф илми**” дейилган. Кейинчалик тасриф билан сарф маъно жиҳатидан бир бирига яқин бўлгани боис ушбу фанга ҳар иккала ибора ишлатилаверилган. Охир оқибат аксар тилшуносларнинг фикрича, мазкур фанга “**тасриф**”дан кўра “**сарф**” деб номланиш маъқулроқ кўринди. Чунки, “**тасриф**” калимаси “**сарф**” калимасидан олинган. Бу ердаги аслият “**сарф**” сўзи бўлиб чиқади. Яна бир жиҳати “**сарф**” сўзи “**тасриф**” калимасидан кўра қисқа ҳамда ихчам. Маълумки, араблар ихчам ва лўнда биён қилишни яхши кўрадилар. Бундан ташқари “**сарф**” сўзи “**наҳв**” сўзига вазн жиҳатидан ҳам мос келади. Шу боис манбаларга сарфу-наҳв деган ибора кўп учрайди.

Сарф сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари

“Сарф” сўзи луғатда “ўзгартириш, айлантириш, майдалаш, бўлақларга бўлиш”, деган маъноларни англатади. Истилоҳда эса, калималарнинг ўзагига тушадиган эълол қоидалари ва масдардан хилма-хил маъноларни ифода этадиган калималарни чиқариш ҳамда феълларнинг турли сийғаларда тусланишини ўргатадиган фандир.

Сарф илмидан ўрганиш лозим бўлган нарсалар

Албатта, ҳар қандай тилдан амалда фойдаланилмаса, уни ўрганиш, уни тушуниш бироз қийин бўлади. Замонавий ва калассик араб тилини мукамал эгаллаш учун сарф илмидан қуйидаги нарсаларни ўрганиш лозим бўлади.

1. Калиманинг тузилишини ўрганиш;
2. Ўзакдан негизни ажрата билиш;
3. Тусланадиган ва тусланмайдиган феъл ва исмлар.
4. Феълнинг қисмларга бўлиниши.
5. Ўтимли ва ўтимсиз феълларни тушиниш.
6. Васлий ва қатъий ҳамзалар ажрата билиш.
7. Сулосий мужаррад боблари ва уларнинг тусланиши.
8. Сулосий мазийд боблари ва уларнинг тусланиши.
9. Рубоъий мужаррад боблари ва уларнинг тусланиши.
10. Рубоъий мазийд боблари ва уларнинг тусланиши.
11. Бобларнинг хусусиятлари.
12. Ўзгарадиган ва тўшиб қоладиган ҳарфлар.
13. Кўчадиган ҳаракатлар.
14. Рубоъий феълларга қўшилган мулҳақлар.

Сарф илмининг фойдалари

Аҳмад ибн Али ибн Масъуд (рахимахуллох): “Билгинки, сарф илмларнинг онаси, наҳв илмларнинг отасидир”, деган. Бу фан орқали сўзлар пайдо бўлади, улар турли сийғаларга тусланади. Баъзи ўринларда наҳв илми ҳам сарф илмига таянади. Ҳарфларнинг ўзгариши ҳамда ҳаракатларнинг ўзгариши сарф илмига боғлиқ. Бу илм калималарни ёлғиз турган, яъни жумла таркибига кирмаган пайтда уларнинг тузилишини ўргатади. Араб тилини ўрганишда бу илмнинг аҳамияти бекиёс. Чунки, айнан сарф илми бир ўзакдан турли калималар ясашни ўргатади. Сарфий қоидалар ўзак ва негиз ҳамда ҳаракатдаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Бу илм араб тилининг назокату латофатини намоён этади. Ушбу қоидаларни ўзлаштирган киши арабча калималардаги лафзий хатолардан сақланади. Шу боис сарф илмини барча илмлардан муқаддам ўрганадилар. Калиманинг ўзагини билганда ва у қайси бобдан эканини тушунганда, унга тўғри маъно бериш осонлашади. Сарф илмини пухта ўзлаштирганда арабча сўзларнинг маъносини излаш ҳамда луғатларни ёдлаб боришга қизиқиш пайдо бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Ад-дурус-ш-шифоҳийя. – Тошкент, 2014.
2. Оятуллоҳ Айниддин. Муфассал сарф китоби. – Тошкент, 2019.
3. Талабов Э. Араб тили. – Тошкент, 1993.